

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 35 (6.824)

1989 йил 11 февраль, шанба

Баҳоси 3 тийин

● Ўзбекистон граждани авиациясининг маҳаллий линияларга парвоз қилувчи ЯК-40 самолёти экипажининг аъзолари В. В. Икрянников, В. П. Бочарников ва С. Мансуровлар.

Замондошларимиз



Л. Гусейнов фотоси.

Эл хизматида

Ҳаво лайнерлари тез ва қулай хизмат кўрсатувчи транспорт воситаси. Унга эҳтиёж ҳамма жойда ҳам доним катта. Ҳўш, бу талабни қондириш, пассажирларга хизмат кўрсатишни ошириш борасида шу кеча-кундузда қандай ишлар қилинмоқда? Жамоатчи муҳбиримиз ана шу ҳақда Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасининг сиёсий бўлими инструктори Жаҳонгир Абдуқодирович Мирзабеков билан суҳбатлашди.

— Аввало ҳаво транспортда йўловчиларга яратилаётган қулайликларга тўхталсангиз.

— Ҳаво транспортда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бизнинг олдимизда турган асосий масалалардан бири бўлиб, бу борада Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасига қарашли аэропортларда муайян ишлар қилинмоқда. Мисол учун Тошкент аэропортида ИЛ-86 самолётида учадиган пассажирларга хизмат кўрсатишга маълумланган авиаторлар реконструкция қилинди. Тошкент аэропортининг марказий ва маҳаллий ҳаво йўллари аэровокзалларида бағам учун қўшимча ҳақ тўлашга ва билет сотаётган «ОКА-400» касса-аппаратлари ўрнатилди. Бундан ташқари Нукус, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Қўқон, Фарғона аэропортларида ҳам қўшимча йўлларни яратиш ишлари ҳақида маълумот берадиган инфомацион-справочник ўрнатилди.

— Ҳозир мамлакатимизнинг болани бир йиллик шаҳарлардаги аэропортларида автоматик бошқариш системаси ишлаб турибди. Бу нисбатан янгиликми? Қулайликлар қўламлиқ кенгайтиришга ёрдам бераётми?

бўш жойлар ҳақида пассажирлар тўла ва объектив маълумотларга эга бўлади. Авиабилетларни ёзиб бериш даражаси яхшиланади. Бир жойга иккита билет сотиш, учинчи вақтинги хато кўрсатишлар камаяди. Транзит пассажирларга хизмат кўрсатиш бирмунча тезлашади. Мисол учун Тошкент — Москва — Ленинград — Киев — Свердловск — Тошкент маршрутнинг пассажир ташласа, унга тез равишда автоматика ёрдамида хизмат кўрсатилади.

— Келгусида яна қандай ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда?

— Бу йилдан бошлаб Тошкент — Владивосток, Тошкент маршрутлари очилади ва пассажирлар самолётида турги манзиллари етиб олади. Бундан ташқари самолётида пассажирлар Наманган шаҳридан Урганч орқали Украинанинг пойтахти Киев шаҳрига жўнатилади. Янгиликларимиздан яна бири — Самарқанд аэропортининг авиотерминалининг авиаторлари ТУ-154 самолётида Москва шаҳрига пассажирларни элтилади. Утаган йилларда қўлгина йўналишларда бўлгани каби бу йил ҳам ёз вақтида бажариладиган рейслар сонини кўпайтириш мўлжалланмоқда. Масалан, Тошкентдан Рига, Львов, Днепрпетровск, Краснодар, Новосибирск, Омск шаҳарларига ТУ-154 самолётида бажариладиган рейслар сонини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Сўхбатини
Р. АХМАДЛИБЕВ
ёзиб олди.

Бизга мактуб йўллабсиз

Оқшомхон истақлари

Газета саҳифаларини биргаликда тайёрлаймиз

№ 2 (19)

● Азиз оқшомхон дўстлар! Газетанинг ҳар кунги сонининг сўнги саҳифасида «Оқшом» тиражи — 125.000 деган рақамга қўйингиз тўшган бўлиши табиий, албатта. Бинобарин бутунни кунда «Тошкент оқшом» газетаси ана шунча нускада чоп этилаётган. Бунга биз кейинги ўн йил мобайнида эришдик. Агар бундан уш йил муқаддам газетанинг тиражи 50 миң нускадан сал зиёдорини ташкил этган бўлса, ўтган давр ичидан у ана 75 миң нускага қўлайди. Бу албатта Сиз, азиз мухлисларимизнинг газетига йўллайётган турли мавзудаги, рағбат-баранг мақолаларингиз, газета хусусида билдираётган қимматли фикр ва мулоҳазаларингиз самарасидир.

● «Оқшом» газетаси ўзининг хайрли анъанасига содиқ қолиб бутунни шанба оқшоми сонини ҳам ўзининг азиз муштариларидан келган мактублари асосида тайёрлади: газетанинг бутунни ҳар бир саҳифасидан уларнинг материалларига кенг ўрин бердик. Жумладан, биринчи саҳифа-

дан долзарб мавзудаги мақолалар, СССР халқ депутатлари сайловида қўрилатган тайёргарлик, Аэрофлот ходимларининг элга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида амалга ошираётган ишлари билан таърифланган режалари тўғрисидаги материалларга кенг ўрин берилган.

● Оқшомхонлардан келатган кўпгина мактубларда шахримиз қорхоналарда фан-техника тўғрисида материаллар бериш илтимоси қилинган. «Мўмай даромад манбаи» сарлавҳаси остида ёриштирилган суҳбатда Октябрь революцияси номидан Тошкент тепловоз режонини заводда рақамли программа билан бошқариладиган автомат станокларнинг дастлабки иш тўғрисида фикр юритилди. Педагог Қилирбой Тўлабоевнинг бизга тайёрлаб юборган «Дўст бўлиб ҳикоятнома» ҳам оқшомхонларга манзур бўлади деган умиддамиз. Шунингдек, илмий лабораториялардаги

янгиликлар, «Қадрдон қўшиқ» қатрасини ҳам ўқиниш сизларга маслаҳат берамиз.

● Маълумки, шу кунларда анъанавий навоий-хонлик давом этмоқда. Ушбу ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса» асари хусусида филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Хайитметов билан газета муҳбирининг қилган суҳбати газетанинг учинчи саҳифасида ёриштирилган. Бундан ташқари «Оқшом» мухлисларидан ўбайдулла Бозоровнинг «Дилподнинг соваси», Ўбайдулла Абдуллаевнинг «Қўлоққа чалинган гаплар», шунингдек «Турфа ола» аjoyиботлари ҳам газетасининг истақли саҳифасидан эса ҳафталик телепрограммалар, идорадан ташқари қорувуллик хизмати ходимларининг ўтказган рейди пайтида майда ўғирлик билан қўлга тушган шахсларнинг қирққорлари ҳақидаги материаллар ўрин олган.

ТОНГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг 9 февралда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Воронин ўтказган навбатдаги ишчи мажлиси ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

● «Правда» газетасининг учинчи саҳифасидаги «Унутилмади» сарлавҳали мақолада Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси М. В. Ковалев Черныбыль аварияси оқибатлари республикада қандай тугатилган ҳақида ҳикоя қилади.

● Газетанинг иккинчи саҳифасидаги «Ошқоралиқнинг бўйсундирилиши» сарлавҳали мақолада эса «Пензенская правда» газетасининг ўз муҳбири Е. Потлов ошқоралиқ ҳақида, уни қандай қилиб

«тизгиллашган» ҳақида фикр юртади. ● «Известия» газетасининг иккинчи саҳифасида «Янгиликлар панорамаси» рубрикаси остида мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар берилган.

● Газетанинг учинчи саҳифасидаги «Кооператив қандай қилиб гражданиларни алдагани, гражданилар эса шунга қарамай унинг раисини депутатликка номзод этиб кўрсатишгани ҳақида» сарлавҳали мақолада номзодларнинг кўрсатишдаги нуқсонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

● Газеталарда чет эллардан олинган хат ва хабарлар, меҳнатқилларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, уларга редакцияларнинг шарҳлари, спорт хабарлари эълон қилинган.

Ягона сиёсий кун

Фаоллик — давр тақозоси

10 февраль кунини республикада ўтказилган Ягона сиёсий кун бўлиб, шаҳар, район партия комитетлари белгиланган мавзулар асосида ўтди. Қайта қуриш ўртага қўйган муаммолар ҳамон долзарб муаммолар бўлиб турибди. Булар янги шaroитда ҳўжалик юритиш, ижара ва оилавий пудратини жорий этиш, кооперацияни ривожлантириш, одамлар турмушининг социал даражасини ошириш, экология муаммоларидир.

Корхоналар, колхоз ва совхозлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари меҳнат коллективларида сўзга чиқиб, олдимизда турган вазифалар тўғрисида гапирибгина қолмай, бу вазифаларни қандай қилиб яхшироқ бажариш мумкинлиги тўғрисида коллективлар билан маслаҳатлашиб олдилар. СССР халқ депутатлари бўлажак сайловида катта эътибор берилди. Ҳозир кўпгина сайлов округ-

ларида сайловолди йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Сиёсий кун қатнашчилари бу галги сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятларини муҳокама қилдилар.

Ягона сиёсий кунда об-

ласт, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, совет ва ҳўжалик органлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ СЕССИЯСИ

Тошкент. 10 февраль. (ЎзТАГ). Бутун халқ депутатлари Тошкент области Советининг сессияси бўлиб ўтди. Унда бундан олдинги сессияларда депутатлар қилган илтимослар, билдирган таклиф ва танқидий мулоҳазалар қандай амалга оширилганлиги тўғрисидаги ма-сала муҳокама қилинди.

Сессия ташкилий масалани кўриб чиқди. П. М. Абдурахмонов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинланганлиги муносабати билан у халқ депутатлари Тошкент области Советининг раиси лавозимидан озод этилди. А. А. Ўлдошев Тошкент области ижroiа комитетининг раиси қилиб сайланди.

Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов сессияда нутқ сўзлади.

Ватанга осмон кўприги орқали

Шу кунларда Тошкент аэропортида реактив двигателлар шовқини тинимайди. Бу ерга қудратли «ИЛ-76» самолётлари биринчи кўнмоқда. Мазкур самолётларда интернационалчи-янчилар Афғонистондан ватанларига қайтиб келишмоқда. Йенева бېғимларига мувофиқ Совет йўналишларининг чекланган контингенти-ни Афғонистондан олиб чиқиш кетиш 15 февралдан ил-хоисига етиши керак. Шунинг учун ҳам ҳарбий авиаторлар қизгин меҳнат қилишмоқда.

Навбатдаги рейс билан Тошкентга келган капитан И. Васильева бўйсунувчи солдатларнинг ҳечрасида қувонч порлаб турибди. Афғонистоннинг машаққатли ва хатарли йўллари орқала қолди. Улар кўп маротаба қўлларига қурол олиб, қурол-ли ҳужумни қайтаришларига тўғри келди.

Оддий аскарлардан Л. Гринчук ва Р. Гудалок ўз командаси билан бирга Ватанга қайтиб келишди. Қобул аэропортига реактив снарядлар отлаётган пайтда чиққан ёнғинни ўчиришда улар жасорат ва мардлик кўрсатишди. Иккала жангчи ҳам «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланган.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАКЕДОНИЯДА

БЕЛГРАД. 10 февраль. (ТАСС). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилигида 5 кун аввал Македония Социалистик Республикасига визит билан келган Совет Ўзбекистони делегацияси Тетово, Ресен ва Охрид ша-

ҳарларига борди. Делегация «Тетекс» тўқимачилик комбинатида, «Агроплод» агро-росаноат комбинатида бўлди, мазкур корхоналарда ишлаб чиқаришнинг ташкил этили-ши ва технологияси билан, партия ва жамоат ташкилотларининг фаолияти билан танишди.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ДИНИЯ БОШҚАРМАСИДА

Илгари хабар қилинганидек, Ўрта Осиё ва Қозоғистон му-сулмонлари диния бошқарма-си ҳайъатининг мажлисида бошқарманинг собиқ раиси муфти Шамсуддинхон ибн Зиевуддинхон ибн Зиев бо-хоннинг ўз вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги ил-тимоси қондирилган эди. ЎзТАГ мухбири бошқарма фа-сининг ўринбосари қози Аб-дуггани Абдулла билан уч-рашди.

— Ўрта Осиё ва Қозоғистон му-сулмонларининг 1982 йил-да бўлиб ўтган қурултойдан буён диния бошқармаси ўз ишда бирмунча муваффақи-ятларга эришди, — деди қози Абдуггани. — Янги мачитлар очилди, ишлаб турган мачит-лар таъмирланди. СССРдаги му-сулмонларнинг бошқа ди-ния бошқармалари билан бир-галликда Қуръони шариф ва диний мазмундаги бошқа китоблар нашр этилди. «Совет Шарқи му-сулмонлари» жур-нали редакциясининг янги би-носи қурилди. Бухородаги «Мир-Араб» мадрасасининг ҳамда Тошкентдаги ислом ин-ститутининг таълим ва моддий базаси мустаҳкамланди.

Регионимиз му-сулмонлари-нинг халқро алоқалари кучай-ди. Чет эллардаги мўтабақ ис-лом уламалари ва марказ-лари билан алоқа ўрнатилиб, ривожлантирилмоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистон му-сул-монлари диния бошқармаси-нинг вакиллари бир қанча му-ҳим халқро диний анжуман-лар ишда қатнашадиган ва тинчлик ўрнатиш жараёни-лари-га ўз ҳиссаларини қўшдилар.

— Афсуски, — деди сўзи-ни давом эттириб қози Аб-дуггани, — кейинги вақтларда бошқарма-миз раиси Шамсуд-динхон ибн Зиевуддинхон ибн

Зиев Бохохон ўзининг диний билимларини такомиллашти-риш устида кам ишлади. Дин-дорлар билан етарли муло-қотда бўлмади, тоат-ибодат қилишда, диний маросимлар ва урф-одатларни бажаришда ўзига муносиб ўрин ололма-ди. Унинг ислом одоб-ахлоқи-га риоя этимаётганлиги, шарият талабларига бўйсунмаётганли-ги хусусида унинг шаънига бир неча бор таъналар ай-тилди. Диния бошқармаси бошлигининг қатъиятсизлиги, айниса ҳозир, бутун совет халқи бошлаган улкан кайта қуриш шароитида диний тур-мушда исро-бир ўзгаришлар қилишни истамаслиги му-сул-монларнинг мўйил норози-лигига сабаб бўлди. Мана шу-ларнинг оқибатида муфти ис-тефогга чиқишга мажбур бўл-ганлиги табиийдир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон му-сулмонларининг диния бошқар-масининг ҳайъати му-сулмон-ларнинг қурултойдига диния бошқармасининг бошлиги ва-зифасини Тошкент ислом ин-ститутининг ректори Мухаммад-содиқ Мамаюсов вақтинча ижро этиб туради, деган қа-рорга келди. У дин назария-сини, 1952 йилда турган, «Мир-Араб» мадрасасини, Тошкент ислом институтини, Ливия ислом университетини битирган.

—Сўнги воқеалар демок-ратия ва ошқоралиқ ижтимоий турмушининг ҳамма соҳалари-га сингиб бораётганини, виқ-дон эркинлиги принциплари-га риоя этилишига, диний ташки-лотларнинг беамол иш қўри-шини таъминлашга самарали таъсир ўтказётганлиги яна бир бор тасдиқламоқда, — деб таъкидлади қози Абду-гани.

Сўнги — соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА
МАРКАЗИЙ
МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

● НЬО-ЙОРК. Араб давлат-ларининг БМТдаги группаси илтимосига қўра жума кунини хавфсизлик кенгашининг маж-лиси чақирилди. Кенгаш Ис-роил босиб олган Палестина территориясидаги аҳолини му-ҳокама қилиди. Бу аҳоли хал-қро ҳамжамиятини тобора та-швишлантирмоқда. Исроил бос-қинчилари ўлдирган палестин-ликлар, шу жумладан болалар рўйхати деярли ҳар кунини эзи-либ бормоқда. Палестинлик БМТ ҳузуридаги доимий ку-зу-тувчилари миссиясининг маъ-лумотларига қўра, ўтган йил-нинг декабрь ойидагина па-лестинликлардан 55 киши ўл-дирилган ва камида 500 киши жарахатланган.

● ВАШИНГТОН. Америка-нинг С — 141 ҳарбий-транс-

порт самолёти Вашингтон яқи-нидаги Эндрюс авиабазасига қўнди. Самолётда Арманистон-даги энгизла вақтда жаба-ланган 32 нафар совет бослас бор. Улар АКШ территорияси-даги 10 та госпиталга олиб бо-рилиб, даволандилар. Само-лётга АКШ президенти-нинг ра-фиқаси Барбара Буш чиқиб, болалар билан саомлашди ва уларга тезроқ соғайиб кетиш-ларини тилади. Авиабазда Совет Арманистондан келган болаларни барча арманлар-нинг католикоси, АКШ бўйлаб сафар қилаётган Вагген I, СССРнинг АКШдаги элчиси Юрий Дубинин, сенаторлар ва конгресс аъзолари кутиб олиш-ди.

● НЬО-ЙОРК. БМТнинг апар-теида қарши махсус коми-тети Жанубий Африкадаги бир қанча қамқорларнинг очлиқ э-л-лон қилган махбуслари билан бирдмалик изҳор этди. Мах-сус комитет эълон қилинган бевотнида ЖАРдаги барча сиё-сий махбуслар озод этилиши-ни талаб қилди. Хужжатда ирк-

халқ
депутатлари
сайлови кунини

Айни муддао

Ишчи касбининг шарафлиб келатганига 30 йилдан ош-ди. Шу давр мобайнида муда қўллаб депутатларни кўрдим, суҳбатлашдим. Улар орасида район Советининг депутатла-ридан тортиб, СССР Олий Советининг депутатларигача бор. Бу халқ хизматкорлари ичиде албатта сарлавҳалари ишонини сиқидидан оқлаёт-ган фидойиларни жуда кўп. Айниса, КПССнинг XIX Бу-туинттифок конференцияси-дан кейин Советлар фаолияти аянда активланди, депутатлар масъулияти орди. Энди улар ўз ишларини чинакам демо-кратия асосида қўрмоқдалар.

Сайлов тўғрисидаги янги Қонуннинг амалга оширили-ши эса нур устига нур бўлди. Олдин округ сайловолди йиғилишларда номзодлар би-лан танишу ва уларга баъзи нақзалар бериш билан чегара-ланган бўлса, ҳозир бундай йиғилишларда депутатликка номзодлар ўз программалари билан чиқишмоқда. Келгусида бажариладиган ишлари кўпчили-ди муҳокама-ши ташламоқда. Қолаверса, сайловчилар бу программага ўз муносабат-ларини билдиришмоқда.

Лекин ҳозир фаолият кўр-сатиб турган депутатларнинг ҳаммаси ҳам ўзига билдирил-ган эл ишонига сadoқат би-лан ёндашмапти, дея олма-миз. Бир мисол.

— Маҳалла активлари би-лан суҳбатлашдим. Улар ҳам тинчтиклаш олмади. Энди нима қилишга ҳайронан. Районро-конга борсамки, икки рай-конгани, деб ўйланб туриб-ман. Ҳўш, сен нима дейсан! — деб сўраб қолдим.

— Маҳалла активлари би-лан суҳбатлашдим. Улар ҳам тинчтиклаш олмади. Энди нима қилишга ҳайронан. Районро-конга борсамки, икки рай-конгани, деб ўйланб туриб-ман. Ҳўш, сен нима дейсан! — деб сўраб қолдим.

— Ахир депутатга мурожаат қилмайдиганларми! — сўра-ман ундан.

— Депутатнинг қимлигини билмайманди.

Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Чиндан ҳам ҳаммамиз ўз депутатлигини таний-мизми! Афсуски йўқ. Қизини шунданки, депутатни ўзимиз танлаймиз, сайлаймиз, бироқ уни таниймаймиз. Албатта, бу-нинг турли сабаблари бор. Қўпгина ўзимиз депутат билан бўладиган учрашуларга бор-маймиз. Яна бир томонини шун-данки, баъзи халқ хизматкор-лари эса сайлов олдиндан бир кўрсатиш берадилару, кейин учташга бўтунай, келайи қўядилар. Нақзалар эса қўпи-ча қозғода қолиб кетади. Йиллик ҳисоботида эса аҳоли-ни ёки бирор ташкилот томонидан бажаририлган (бу ишда де-путатнинг мўтақо ҳиссаси бўлмаса ҳам) иш ҳам «чунки» бўлиб кетади.

Энди давр ўзгарди. Совет-ларга кенг ишоник берилиди. Шундай экан, юқоридики каби кўнглимиз ҳолларга чек қўйиш керак.

СССР халқ депутатлигига сайлов кунини тобора ақинла-шмоқда. Тайёргарликнинг би-ринчи босқини тугади. Ҳозир жойларда сайловолди йиғи-лишлари ўтаётти. СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг муҳокама қи-лиш бошланди. Бу даврда ҳамма ўз қўнглидаги гапни айтиши керак. Номзодлар ҳам ўзларига талабчани билан қарашлари, «Халқ ишонини оқлаш қўлдан келмадики, йўқми», деган саволини ўз олдларига қўйишлари лозим. Агар бу саволга ўзларидан ижобий жавоб ололсаларига розилик билдирсалар, фойда-дан қили бўлмайди. Эл ишдан-да болган одам ҳаммаси бардан бўлиши, шу йўлда фидойилик билан ишлаши керак. «Арс икки қўлдан чи-қади» деганлариники, сарлав-чилар ҳам чинакам ишқонар, қалби гайрат ва шижоатга тўла кишиларнинг номзодига та-лабчани кўрсатишлари лозим. Бу сайловчилар учун ҳам, депутатлар учун ҳам айни муддао бўлади.

Т. ЗОИРОВ,
ишчи.



Тошкентдаги бадий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсулотлари бугунги кунда факат республикамиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам яхши таниш. Мазкур бирлашманинг дўппи цехи пешқадам меҳнат коллективларидан София Эшонхўжаеванинг бу цехда ишлаётганига 25 йилдан зиёд вақт ўтди. Унинг кўплаб шогирдлари бугун устозларидан ўрнак олиб меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: С. Эшонхўжаева.

А. Тўраев фотоси.

Оталиқдаги корхонада

Меҳнатдан топилган бахт

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида кўтаринки руҳ билан ишламоқда. Ўзаро меҳнат беллашуви яхши самара беряпти. Мусобақа илгорларининг сафи тобора кенгайиб бораёпти. Фароғат Шотурсунова шундай пешқадам чеварлардан биридир. Фароғат опанинг бирлашмага ишга келганига чорак асрдан ошиб кетди. Ишга келган илк кунлариданоқ касбга бўлган иштиёқи туфайли тикувчилик сир-асрорларини пухта эгаллаб олди. Устозлари ўғитига қулоқ солиб ишлади. Ўрганди, изланди.

Эндилқда Ф. Шотурсунова — ёшларнинг меҳрибон устози, коллективнинг фахри. Унинг шогирдлари ҳам ўзи каби жонкуяр, меҳнаткаш. Айни кунларда унинг шогирдлари Холдида Алимова, Матлуба Ҳамдамова, Нелла Сабитова сингари ишлаб чиқариш илгорлари устозларидан ўзиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топириқларини муддатидан илгари адо этиб, сифатли ва унумли иш бажаришга муваффақ бўдилар.

Ф. Шотурсунова меҳнатдан бахт топанлардан, ҳамма унга ҳавас қилади.

Д. ОБЛАЕВ.

Техника тараққиёти йўлида

Мўмай даромад манбаи

Кейинги вақтларда рақамли программалар бошқариш системаси деган сўзлар тез-тез тилга олинапти. Сановат корхоналарида ушбу дастгоҳлар, ҳатто цехлар рақамли программалар бошқариладиган дастгоҳлар билан жиҳозланапти. Техника тараққиётининг кейинги ютуқларидан бўлган бу автоматлашган системалар ишлаб чиқаришда қандай роль ўйнамоқда? Бу ҳақда Октябр революцияси номи Тошкент тепловоз ремонт заводининг цех бошлиги Л. В. Абдрамова мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Мен шу заводда 32 йилдан бери ишлайман. Ҳозирги кунда эски дастгоҳлар деб ном олаётган универсал станоклар техника тараққиётининг сўнгги ютуқларидан эди. Эсимда, янги бир станокни келтиришганда бутун завод ишчилари томоша қилиш учун келишганди. Шу кунларда бизнинг цехга ҳам кишилар ноёб асарини томоша қилмоқчидек кириб келишганди. Аслида ҳам шундай. Автомат станокларнинг ишини кузатиш қизиқарли. Заводимизга рақамли программалар бошқариладиган автомат станокларнинг дастлабки туркуми 1984—85 йилларда келтирилганди. 1988 йилда уларнинг сонини 16 тага етди ва янги бир участка ташкил топди. Машиналарнинг нуқсонини йўқ десаам ёлгон бўлмайди. Хоҳлаган детални тайёрлаш мумкин. Энг муҳими, тезкорлик билан тайёр бўлади. Айтайлик, бирорта деталь зарур бўлиб қолди. Оддий универсал станокда тайёрлаш учун бир соат талаб этилса, автомат станок учун 10 минутда қўйилгандаек қилиб қўйилганга тўтасди.

Рақамли программалар бошқариладиган станокларнинг иш унуми кўп бўлиши билан бирга ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифати алоҳида ажралиб туради. Айтайлик мумкин: алоҳида деталлар Ҳозир цехимизда 200 хилдаги деталлар тайёрланапти. Улар орасида оддий мураватдан тортиб катта ҳажмидаги гилдирақларгача бор. Ойлик планларини ортиги билан удалаяпмиз. Цехимизга кирган

киши албатта ҳайратланади. Чунки ҳаммаёқ топ-тоза, шовкин-сурон жуда кам. Бироқ, бу янгиликдан қувонишга ҳали эрта деб ҳисоблайман. Биринчидан, станокларнинг нархи қиммат. Цехдаги 16 дастгоҳнинг умумий сўммаси 900 минг сўмга яқинлашди. Баъзи станоклар завод учун 100 минг сўмга тушган. Лекин ҳозирча ўз сўммасини қоплагани йўқ. Шунинг учун ҳам цехимиз ҳозирча заводга зивон келтириб турибди.

Иш бир сменада ташкил этилган. Иккинчи сменани йўлга қўйиш ҳақида гап бўлди. Лекин, очигини айтсам, гоҳида бир смена учун ҳам иш топилиб қолади. Материаллар ўзимизнинг заводда тайёрланади. Дегрезларга ҳам осон эмас, хом ашё етмай бўш қолган пайларни кўп бўлади. Автомат станоклар ҳали тўлиқ қувват билан ишлатилмапти. Агар икки сменада иш юритилса, қувватлар тўла ишга солинса, албатта, даромад ҳам ошади. Ишлаб чиқарилаётган деталлар баҳоси тийинлаб ўлчангди. Дастгоҳлар эса 10 минглаб сўмга келган. Ҳаражатларини қоплаш учун анча вақт керак бўлади. Гоҳида умуман бундай техникалардан воз кечайлик, деган гап бўлиб қолади. Баъзилар янги дастгоҳлар бир умр зибига тураверади, деган ҳаёлда бўлишди. Бу калта ўйланган фикр деб ҳисоблайман.

Заводимизда яна янги цех бунёд этиляпти. У ерда ҳам рақамли программалар бошқариладиган станоклар ишлайди. У цех янада тақомиллашган бўлади. Ишчилар ўзини роботлар эгаллайди. Ҳозирданоқ янги цехда ишлаш учун ишчи операторлар тайёрляпмиз. Бир гуруҳа ишчи операторлар шахарлардаги корхоналарда маляка олириб қайтилар. Шу йил охирида ишга туширилиши керак бўлган цехимизда ҳам асосан механик ишлар бажарилади.

Табиийки, тақомиллашган техника воситаларни қўлайиб боради. Бирини қиммат деб, бириндан яна бирини ваъж топиб эътиборсизлик қилиш мумкин эмас, деб ўйлайман. Иккинчи бора унинг қувватидан фойдаланиб, кўпроқ самара олиш керак, ана шунда қиммат дастгоҳлар ҳам корхонага мўмай даромад беради.

СУҲБАТИНИ С. ШАМСИДИНОВ ЁЗИБ ОЛДИ.

Бизга мактуб йўллабсиз

○ Кунларнинг бирида Тўлабий, роз товушли Қазибий билан Қорабий ва Айтебий тўртовлон бош қўшиб, машҳур Дўстбўлбийнинг ҳол-аҳвол сўраб келишибди. Бу чоғда бий тўқсондан ошиб қолган экан. Қўноқ ошини ейишган бийлар бурунгидай Дўстбўлбийдан қизиқ ҳангомалар эшита олмабди.

— Дўстбўл оға бурунгидай суҳбатингизни ололмадик-ку. Дўстбўл оғадан қолган бир сўз эди деб кейинги авлодга айтиб юрайлик. Мумкин бўлса, бир оғиз сўз айтсангиз, — дейишибди бийлар.

Шунда Дўстбўлбий: Бир, икки, уч, — деб бошлаб ўнгача санабди, кейин қўш, бунинг маъноси нима? — дебди.

Қорабий туриб: — Ёпирайми, бу киши чиндан ҳам алжираб қолган экан, нега бизга саноқ ўргатиб ўтирибди? — дебди.

Шу пайт роз товушли Қазибий ўрнidan туриб, қарияга таъзим қилиб: — Ота, рухсат берсангиз, саволингизга мен жавоб берсам, — дебди.

Дўстбўл рухсат бергач, роз товушли Қазибий бундай ечган дейишди: Бир деганингиз — бирлиги кетган эл ёмон; Икки деганингиз — эр азамат ёши улғайган чоғида хотини ўлса шу ёмон;

Уч деганингиз — уядаги палапон қаноти чиқиб учмасдан бевақт кетса шу ёмон; Тўрт деганингиз — ҳақиқатни топмаган, тўсатдан келган дов ёмон; Беш деганингиз — бостириб кирган ёв ёмон;

Олти деганингиз — зўрайиб кетган дард ёмон.

Хикматнома

Дўстбўлбий

Хикоятномалари

Ўн деганингиз — ёш улғайган чоғингда, ҳол-аҳвол сўраб, ҳеч ким йўқлаб келмаса, баридан ҳам шу ёмон! — дебди.

— Балли, балли чирогим. Ҳеч ким еза олманган саволингиз сен ечдинг! Дунёга ана бир доншманд киши келибди, — деб ризо бўлган Дўстбўлбий роз товушли Қазибийга сўнгги фотихасини берган экан.

○ Бир одамнинг ўлимига боғлиқ довлашувга Айтебий Дўстбўлбий билан уч-тўрт йигит олиб, Тўлабийнинг қабрига боришибди.

Омонлик солиқ сўрашиб, қўноқ ошини еб бўлгач, Тўлабий: — Чирогим Дўстбўлбий, ахши кўрадиган меҳмоннинг ишини келганида сўрайди, ёмон кўрган меҳмон-

нинг ишини кетишида сўрайди деган. Хуш кўрдик! — дебди.

— Раҳмат, оға, хуш кўрдик, сиздан бўлсин. Тирикча танишгани келдик, ўлиққа бўлишгани келдик, — дебди Дўстбўлбий.

Шунда Тўлабий: — Ундай бўлса, чирогим, қиличнинг бўлса бўйинига, қучоғинг бўлса, қўйингизга, — дебди.

Шунда Дўстбўлбий: — Оға, буюққа бир қарасангиз экан, — дебди яна.

Тўлабий: — Яхши, ёрлиги сиздан бўлгач, ёниги биздан, — деб чиқиб кетди. Бий кетгач Дўстбўлбий ёнидаги йигитларига қараб:

— Ишимиз битди, — дебди. — Эрининг хуни — икки оғиз сўз деган. Довлаб келган одамимизнинг хуни учун ўтовин билан қиз берадиган бўлишди.

Бий ана, нима десаиз, биз ҳали келган ишимизни айтиб улгурмадик-ку? — дейишибди ҳеч нарсасига тушунмаган йигитлар.

Э, сизлар тушунмаган экансизлар-ку. Бий менинг нима иш билан келганимни сўраб «Яхши кўрадиган меҳмоннингнинг ишини келганида сўра» деди. Мен унга: «Тирикча танишгани келдим, ўлиққа бўлишгани келдим», — дедим. «Тирикча танишгани келдим» — сизларга салом бергани келдим деганим. «Ўлиққа бўлишгани келдим» — ўлиққа хун сўраб келдим деганим эди.

Бунинг тушунган Тўлабий: «Ёрлиқ сиздан бўлгач, ёниги биздан» дея язов ёнигини ғамлашга кетди.

Қозоқчадан Қидирбой Тўлабоев таржимаси.

Бизга мактуб йўллабсиз

Цемент олишда қулай усул

Алининг ишлаб чиқариш бирлашмасида ёқил энергиясини тежаш имконини берувчи цемент олиш жараёни тақомиллашмоқда. Бундай технология ўн йил илгари тошкентлик олим Е. Нуцельман бошчилигида кашф этилган эди. Шундан бери янги-янги тажрибалар ўтказилиб, излашлар олиб бориюмоқда.

Паст температурада клинжер (цемент хом ашёси) олиш реакцияси хлорли тузлар асосида бажарилаяпти. Бундай жараёни ўрганиши, кузатиш ва ҳисоб-кўрабларни тайёрлашда паст температурада қўйириш лабораториясининг роли бениҳоя каттадир. Айни пайтда лаборатория ходимлари Р. Ураев раҳбарлигида конвейер машиналари билан иш олиб бориюмоқдалар. Шу йилнинг иккинчи кварталда Оҳагарон шаҳрида ишлаб чиқариш қуввати 1,2 миллион тоннали завод қурилиши бошланиб, келгусида паст температурада цемент тайёрлаш жорий этилади.

Лабораторияда шунингдек паст температурада қўйириш ишларини қуруқ усулда олиб бориш устида ҳам тегишлилар ўтказилаяпти. Оҳагарон тажриба-экспериментал заводи 1991 йилдан шунинг мослаб реконструкция қилиниши қўлағида. Конвейер технологияси ва қулай усул қўшимча 10—12 процент ёқил тежаш имконини беради.

Лаборатория ходимлари шу кунларда қемент яратиш устида ҳам тажрибалар ўтказишаяпти. Эришляётган ютуқларда айниқса катта илмий ходимлардан Ғ. Хайчикис, Н. Бобоев, А. Язкин ва бошқаларнинг ҳиссаси каттадир.

Илмий излашлар қандай самаралар беради, — деган савол туғилиши табиий. Паст температурада цемент олишда 20—25 процент ёқил тежалади, цементнинг қурилиш ҳоссалари ортиди.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Бу қизиқ!

«ШАЙТОН ДАРАХТИ» Дунёда энг «ёруғ» дарахт Шимолий Африкада ўсади. Маҳаллий халқ «шайтон дарахти» деб қалати ном берган бу дарахтнинг қобилияти мажбур бўлган фосфор тежарак-атрофга тиймай нур таратади турди.

Нурнинг ёруғлиги шунчалик ўткирлик, дарахт тағида ҳатто кечалари ҳам ўқиб ва ёзиш мумкин.

ТАБИЙ ОШХОНА Шарқий Жапоннинг Хомаш Мескутин деб аталадиган жойида каттақон дош қозонга ўхшаш бир бўлоқ бор. Ундаги сув мудом қайнаб туради. Бу бўлоқни баъзи кишилар табиий ошхона дейдилар.

Чунки арқон учига гўшт боғлаб бўлоққа туширилса,

бир неча минутда пишди. Шу билан бирга, тузнамаги ҳам тобида бўлиб қолади: мазкур бўлоқ сувининг таркибида ош тузи бор.

ШЕР САВДОСИ Полышнинг Вроцлав шаҳридаги ҳайвонот боғи асосан йиртқич ҳайвонлар сотиш билан шуғулланиб келган. У ҳар хил экспорт предмети билан бир қаторда Африка йиртқич ҳайвонларини ҳам четга чиқаради. Улар нинда Африка шерларининг анчагина турлари бор.

Ҳайвонот боғи ўзининг 90 йиллик фаолияти давомида урли мамлакатларга сақсонга яқин шер, йўбарс ва қоплон жўнатган.

АКБАР АЛИЕВ тайёрлаган.

Кадрдон қўшиқ

Қатра

Одамлар билан лиқ тўлган автобус нийҳат ўрнидан қўзғалди. Эсонбой энгил нафас олди. Шу пайт кимдир магнитофон қўйди шекли, автобуснинг олдинги қаторидан ёқимли қўшиқнинг қўйи янграй бошлади. Эсонбойнинг юраги орқасига тортиб кетди. Чунки, бу — ўша кадрдон қўшиқ эди... «Э-э, шуниси кам эди, бир оёқлаб аранг кетаяпмиз-у, оч қулоққа ёқармиди» деди унга нафаси урилиб бир оқсоқол киши. Эсонбой эса ўз хаёлида давом этди.

